

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ БАДИЙ СТРУКТУРАСИДА ОБРАЗЛАР ЎРНИ

Дилшод Зарипович РАЖАБОВ

Филология фанлари доктори

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

РОЛЬ ОБРАЗОВ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СТРУКТУРЕ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПЕСЕН

Дилшод Зарипович РАЖАБОВ

Доктор филологических наук

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

THE ROLE OF IMAGES IN THE ARTISTIC STRUCTURE OF UZBEK FOLK SONGS

Dilshod RAJABOV

Doctor of Philological Sciences

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

UDC (УЎҚ, УДК): 81'373

For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):

Ражабов Д. З. Ўзбек халқ қўшиклари бадиий структурасида образлар ўрни // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 1 (36). — Б. 208-216.

<https://doi.org/10.36078/1619510769>

Received: January 05, 2021

Accepted: February 18, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада Фердинанд де Соссюрнинг структура ва структурализм назарияси муаммолари таҳлилга тортилган. Ҳар бир маданий ҳақиқат ўзига хос тузилишга эга бўлиб, у обьектнинг қисмлари ўртасидаги муносабатлар сифатида тушунилади ва барча тузилмалар тубдан рамзиликка егалиги боис барча маданий ходисалар аниқ (эксплицит) ёки ноаник (яширин — имплицит) маънога эга. Структурализм нуктаи назаридан маданият оламидаги ҳамма нарса ўз хусусиятга эга бўлади: кийим-кечак, мода, ранг, овқат. Бадиий ўзлаштирилган ҳар қандай табиий борлиқ ўзига хос маънога эга. Мазкур мақола ўзбек халқ қўшикларида бадиий образларнинг тасвирланишига бағишланган. Асос қилиб олма, беҳи образлари олинганд. Улар эксплицит ва яширин-имплицит феноменларини изоҳлаб беради, нима учун ўзбек халқ қўшикларидағи айнан шу образлар танланганлиги тушунирилади.

Калит сўзлар: лингвокультурология; структура; структурализм; тил; маданият; ўзаро боғлиқлик.

Аннотация. В статье поднимаются вопросы структуры и структураизма, основоположником которого является Фердинанд де Соссюр. Каждая культурная реальность имеет свою структуру, которая понимается как отношение между частями предмета, и поскольку все структуры носят принципиально знаковый характер, из этого следует, что все культурные феномены имеют то или иное значение, которое может быть эксплицитным (явным) или имплицитным (неявным). С точки зрения структураизма, в мире культуры все имеет значение: одежда, мода, цвет, пища. Любой природный факт, будучи априориальным (присвоенным) культурой, наделяется собственным специфическим значением, которое определяется системой социальных конвенций. Например, данная статья посвящена художественной структуре образов в узбекских народных песнях. За основу взяты слова яблоко, айва.

Рассматриваются их явные и неявные феномены. Даётся объяснение выбранным словам.

Ключевые слова: структурализм; структура; система; фольклор; язык; композиция; терминология; взаимозависимость.

Abstract. The article deals with the issues of Ferdinand de Saussure's theory of structure and structuralism. Each cultural reality has its own structure, which is understood as a relationship between parts of an object. Since all structures are fundamentally symbolic, it follows that all cultural phenomena have one or another meaning, which can be explicit or implicit. From the point of view of structuralism, everything in the world of culture has its own characteristics: clothing, fashion, colour, food. Every natural being that is artistically mastered has a specific meaning, which is determined by the system of social conventions. The following study is devoted to the artistic structure of images in Uzbek folk songs. *Basically, apple* and *quince* images have been considered to reveal explicit and implicit phenomena.

Keywords: structuralism; structure; system; folklore; language; composition; terminology; interdependence.

Кириш. Жаҳон фольклоршунослигига ҳалқ қўшиқларининг композицияси (тузилиши)га хос хусусиятларни, уларда образ, образлилик, образли тасвир ва ифода, ижро билан боғлиқ поэтик қонуниятларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳалқ қўшиқлари композициясига алоқадор портрет, пейзаж, монолог, диалог сингари муҳим компонентлар, банд кўринишлари, вазн, поэтик такрор турлари қаторида уларнинг бадиий структураси шаклланишида анъанавий образларнинг ўрни ва поэтик синтаксиснинг ролига доир назарий қарашлар такомиллаштирилди. Дунё фольклоршунослигига ҳалқ қўшиқлари композицияси ва образлилиги шаклланишининг ижтимоий-психологик, тарихий-генетик асосларини аниқлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб, ҳозирги кунда бу масалада, асосан, илгари сурилган икки муҳим назарий концепцияга таяниш мумкин. *Биринчидан*, қўшиқлар типологияси ва назарий поэтика асосларини ишлаб чиқкан ритуал-мифологик мактаб таълимотига кўра, қўшиқларнинг генезисига қадимги оиласвий-маший, мавсумий ва ритуал маросимлар нуктаи назаридан; *иккинчидан*, антропологик назария тарафдорлари томонида туриб, қўшиқлар ривожига фольклор ижро чилиларининг бадиҳагўйлик иқтидори таъсир этганилигидан келиб чиқиб ёндашишга тўғри келади. Бу эса, ўзига хос бадиий структурага, поэтик композицияга, ижро усулига, образлиликка эга бўлган ҳалқ қўшиқлари тузилишини изчил текшириш лозимлигини кўрсатади.

Истиқлол даври танқидчилигига фаол қўлланила бошлаган таҳлил усусларидан бири структурал таҳлил методи бўлиб, адабиётшунослигимизда бу ҳақда Абдугафур Расуловнинг “Структура ва структурализм”, Сувон Мелиевнинг “Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида” (1-мақола), Қ. Қаҳрамоновнинг “Адабий танқидда структурал метод талқини” каби эътиборли мақолалари эълон қилинди. Мазкур мақолаларда структурализм ва унинг айрим назарий муаммолари, структурал методнинг ўзига хос жиҳатлари, кенг ва тор маънолари, структурализм тушунчасининг фалсафий, илмий, бадиий-эстетик ҳодиса сифатидаги хусусиятлари тўғрисида сўз юритилган (6, 34–38).

Асосий қисм Структурализм истилохи XX асрнинг 10-йилларида француз илмида пайдо бўлган. Унинг асосчиларидан бири Фердинанд де Соссюр.

А. Расулов структурализмга куйидагича таъриф беради: “Бадиий асар ўзига хос микромир: санъаткор асар воситасида олам-олам фикрларни

биддиради, гояларни ифодалайди. Биз борликни қандай ўзлаштирасак, санъаткор матнини шунчалик синчилаб ўрганамиз. Ҳақиқий матн — система. Борлиқ тузилишида, инсон мучаси, аъзоларининг жойлашишида изчил таркиб, тартиб бўлганидек, бадиий асар матнида ҳам тартибли таркиб мавжуд. Аникроқ айтсан, бадиий асар — бетакрор структура, система. Бу системани укиш, ўзлаштириш йўриғи, йўсими, қоидаси структурализмдир. Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси — маънолар ўйналиши, кўпқаватлигини англашдир. Структурализм мақсад-моҳиятини юзага чиқаришида асардаги муҳим маъно нуқталарини белгилаб олиш жиҳдий аҳамият касб этади” (6, 34–38).

А. Расулов фикрича, бадиий структурани яратиш матн тузишдан анча илгари бошланади. Услуб, жанр, сарлавҳа, илк жумлалар, булар барчаси семиотик белги сифатида структуранинг яратилишига замин ҳозирлайдиган жараёндир. Демак, бадиий структура семиотик нуқталар билан биргаликда келади. Структура жанр, асар номи ва қаҳрамонлар тасвири билан боғлиқ.

А. Расулов структурул таҳлилга тўхталаар экан, уни қуйидагича лўнда таърифлайди: “Структурализм — матнни ўқиши, укиши, хузурланиш ҳақиқидаги фан... Структурализм — талқин ва таҳлилнинг нозик, гўзал йўсими.... Структурализм — модернизм моҳиятини ишонарли ёритиб берувчи воситадир”.

Ҳамидулла Болтабоев “Теранлик” сарлавҳали маколасида мазкур методнинг афзал жиҳатини мағкуравий-социал талқинни рад қилишда, “адабий матннинг бадиийлик хусусиятини унинг таркибини ўрганиш оркали” асослашда кўради.

Тўғриси, ҳалқ қўшиқларининг ҳам илк жумлаларидан унинг композицион таҳлили амалга оша бошлади. Масалан:

*Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.
Ўз қизини танимай,
Ўзгага сотган отам (7, 116).*

Қўшиқ “олма” сўзи билан бошланган бўлиб, бу жумланинг матнга тушиши ва кейинги жумлага мантиқан боғланиши тасодиф эмас, албатта. Бу жумланинг кейинги жумла билан боғлиқлиги шундаки, унда мевалар номидан таносиб (уядош сўзларни кўллаш) санъати вужудга келмоқда.

Қўшиқнинг ўзак нуқтасини — олма, беҳи, ота, ўзга сўзлари ташкил килиб, асосий бадиий деталларни белгилаб келмоқда. Бош қаҳрамон яширин ифодаланмоқда. Қўшиқдаги ҳар бир сўз унинг таркибий қисмини ташкил этади ва алоҳида-алоҳида шарҳни талаб этади. Пировард натижада, Ҳ.Болтабоев таъкидлаб ўтганидек, қўшиқка хос бадиий бутунлик — қўшиқ бадиий модели тикланади ва унинг моҳияти ҳам тўла англашилади.

Агар қўшиқдаги жумлалар тўлиқ талқин қилинса, бошқалар назарига тушмайдиган хусусият ва маънолар ҳам юзага чиқади.

Ҳалқ қўшиқларида асосий эстетик вазифани ҳаракат, нутқ, қуй бажаради ва етакчи композицион унсурларга айланади. Лирик қаҳрамоннинг воқеалар баёнидаги ўрни конкретлашади. Унинг ҳаракати ҳакида тасаввур пайдо бўлади. Ота ҳаракатининг киз ҳаракатига таъсири очилади.

Юкоридаги қўшиқда ургуланган *олма, беҳи* сўзлари турғун рамзларга кўтарилгани билан ҳам эътиборни тортади. Ҳатто айнан шу образлашган сўзларга эътиборни қаратиб, ажратиб кўрсатиш мақсадида улар сатрлар бошига чиқарилгани кузатилади.

Шунингдек, лирик қаҳрамоннинг нутки ҳам алоҳида дикқатни торгади. Бу кўшиқнинг қаҳрамони — икки хил: реал (ота, қиз, таниш бўлмаган ўзга бир шахс — күёв) ва рамзий (олма ва беҳи).

Олма ва беҳи — ҳалқ кўшикларида кўп учрайдиган анъанавий рамзий образлардан бўлиб, улар кўпинча ёр — маъшуқа қиз тимсолини ўзида мужассамлантириб келиши маълум. Уларнинг ҳалқ кўшикларидан ўрин олиш асослари ҳакида М. Алавия, А. Мусақулов, Ш. Турдимов, Д. Ўраеваларнинг тадқиқотларида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Бир қараашда, олма ва беҳининг узатилаётган қизга ниима дахли бор дегандек жумбокли тасаввур уйғонади. Аслида-чи, улар кўшиқ композициясининг ҳам тугуни, ҳам ечими дейиш мумкин. Негаки, мифмаросим — кўшиқ поэтик тадрижида шаклланиб, бадиий тараққий топиб келаётган ҳалқ лирикаси намуналарида олма ва беҳи тимсоллари маросимий моҳиятга эга предметлардан саналади. Шунинг учун мазкур кўшиқда “нега айнан олма ва беҳи деб сотилган, яъни нок ёхуд анор деб эмас” қабилдаги савол пайдо бўлиши табиий.

Бу ўринда олма ва беҳи образлари келтирилишининг икки сабаби борлигини инкор этиб бўлмайди. *Биринчидан*, олма никоҳ маросимларига алоқадор предмет. Беҳи ҳам шундай.

Иккинчидан, олма ўрнини анор образи бу жойда ололмаслиги бу иккала рамзий образнинг семиотик табиати билан боғлиқ. Зеро, анор фольклорда она, фарзандли она, меҳр-мурувват, оқибат рамзларини ифодалаб келса, олма рамзи кўпинча севги-муҳаббат, ёр, фарзанд тимсолларини ўзида мужассамлантиради. Беҳи образида ҳам, асосан, ёр тимсоли акс эттирилади.

Хуллас, таҳлилга тортилган юқоридаги кўшиқ матнида олма ва беҳи образлари, Ҳ. Болтабоев таъбири билан айтганда, “мулоқот воситаси, коммуникатив бирлик” вазифасини ўтаган.

Структурал метод асосидаги бундай таҳлиллар орқали модел тушунчасига ургу бериш мумкин. Жумладан, ҳалқ кўшикларида олма ва беҳи моделлари нафакат бадиий деталь, балки тимсол ва ҳатто рамзий образ бўлиб келиши кузатилади. Ҳатто ҳалқ кўшикларида, худди юқоридаги каби, улар кўшиқ бадиий матнининг бутунлик сифатидаги модел кўринишини ҳосил қилишга хизмат кўрсата олади. Шу орқали кўшиқ шаклида (моделида) тингловчида ҳаёт моҳияти, турмуш воқелиги бўйича тасаввур ҳосил қилинади. Бунда кўшиқнинг қайси замон, қандай тарихий ёки мафкуравий шароитда яратилганидан қати назар, унинг матнидан келиб чиқиб талқин этилиши анъанавий талқинга янгича хуносалар қўшишга, ундаги умуминсоний қадриятлар моҳиятини очиб беришга замин яратади.

Структурал методга асосланган бундай таҳлил, кўшиқнинг туб гоявий моҳиятини чуқур кашф этишга асос яратса олади. Шунда бу каби кўшиқларни бурунгидай бир ёклама: “ўтмишда оғир шароитда яшаган ота-оналар бойларга қизларини мажбур узатиб, улар баҳтига зомин бўлишган” қабилидаги умумий таҳлил қилишларнинг олди олинади. Чунки бундай ҳолат барча даврларда ҳам юз бериши мумкин. Чунки бунинг жамиятга, ундаги хукмрон мафкурага хеч бир алоқаси йўқ. Бу ота-оналарнинг шахсий истаги, ҳаракати, вазияти, ўй-фикари, мақсади билан боғлиқ ҳолат. Шундай экан, муайян даврни қоралаш учун қачондир (эҳтимол, ундан олдин ёки кейин) яратилган ҳалқ кўшигини восита қилиш тўғри бўлмайди. Демак, ҳалқ кўшикларининг структурал таҳлили бу каби ҳолатларнинг ҳам олдини олишда қўл келади. Энг муҳими, ҳалқ асарларини холис ва теран баҳолаш имконини беради.

Халқ қўшиқларида ижодкорнинг мавжуд нарсага қўшимча маъно юклashi орқали, унинг бирламчи маъносини янада кучайтириши кузатилади. Масалан, олма мева тури, аммо у қўшиқ матни структурасига тушгач, мана шу бирламчи маъносига қўшимча бошқа рамзий маъноларини ҳам намоён этадики, натижада унинг образ сифатидаги кучи — энергияси юзага балқиб чиқади. Лекин унинг бу маънолари “худди микрооламдаги бевужуд зарралар каби” дастлаб кўзга ташланмайди. Халқ қўшиқлари таҳлилига структурал ёндашув натижасида бутун бир қўшиқ матни замиридаги бадиий маъно ва мазмун теранликлари кашф этилади. Ундаги ҳар бир образнинг “маъно ўчоқлари” ёрқин очилади. Айникса, тарихий (диахрон), анъанавий рамзий образ, шунингдек, синхрон (замонавий) моделлари моҳияти чукур ёриталади. Шуни инобатга олиб, К. Қаҳрамонов уни кам ўзгарувчан бадиий системалар (фольклор, ўрта асрларда яратилган қадимий китоблар), шунингдек, нисбатан консерватив бўлган синтактикани тадқик этишда қўлланганда ўзини оқлашини қайд этади.

Маълумки, баъзан муҳтоҷлик инсонни зулм ва зўравонлика, жиноятга бошлайди. Эҳтимол, юқоридаги қўшиқда “ўз қизини танимай, уни ўзгага узатаетган ота”га ҳам руҳан осон бўлмагандир. Эҳтимол, у ўз жигаргўшасини ўзгага сотишига ана шу муҳтоҷликдан кутулиш илинжи туртки бўлгандир. Шунинг учун қўшиқда “сотган” сўзининг тақрор-тақрор келтирилаётгани услубий бузилишга етакламаган. Аксинча, таъкидланаётгани фикрни янада равшанлаштиришга хизмат қилган.

Бошқа фольклор жанрлари қатори халқ қўшиқларини ҳам шаклий курилишига кўра талқин этишни таъминлайдиган структурал таҳлил методи унинг фалсафий қирраларини янада чукур англаш имкониятини кенгайтиради. Айтайлик, қўшиқ учун фольклорда асосан тўртлик шаклининг танлангани тасодиф эмас. Маълумки, қадимги юонон файласуфи Платон “Тимей” асарида оламнинг ўзаги геометрик шакллар асосида (тўрт унсур — ер, сув, ҳаво, оловнинг) муайян учбурчаклардан ташкил топганлиги гоясини илгари сурган. Шу асосда микроструктурани ўрганувчи квантфизика фани вужудга келган. Платон микроструктурани шу фан концепциялари билан боғлиқ ҳолда талқин этган. Мана шулар асосида ўзбек адабиётшуносларидан С. Мелиев ҳам бадиий асарни табиатга киёслаб, ўзига хос микроолам, деб ҳисоблашни маъқуллаб ёзади: “Кўринадики, бадиий асарни структура жиҳатидан тадқик этиш, яъни структурализм чукур фалсафий ва ҳатто квантфизиковий асосга эга. Худди микрооламдаги бевужуд зарралар каби уларни оддий кўз билан кўриш мутлақо мумкин эмас. Бадиий образлар ва умуман бадиий воқелик муайян давр ва унда яшаётган одамларни акс эттираса-да, амалда у тил воситасида яралган бевужуд реалликдан бошқа нарса эмас” (4, 12). С. Мелиев яна ўз кузатишлари орқали бадиий асар структурасини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосий мақсади эмас, балки самарали натижага эришиш усули эканини ҳам таъкидлаб ўтади.

С. Мелиев бадиий асар структурасини ташкил ва ички структурага ажратади. Структурал таҳлилда бадиий асардаги образлар ва уларнинг рамзий маъноларини аниқлаш (маъно ўчоқлари), образ замиридаги бадиий куч (образ энергетикаси) ва пировард натижада бадиий асарнинг поэтик асосини тутиб турувчи куч (мақолада “жон жойини топиш”, деб ифодаланган) лозимлиги ва буларнинг барчаси бадиий асарда етакчи структурал бирликини ташкил этиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Л. Строс, Р. Барт каби олимлар структурал таҳлил (структурал анализ) методининг асосчиларидан бўлиб, унинг ўз тарихи ва асосий

тамойиллари мавжуд. У XX асрнинг бошларида бир қанча гуманитар фанларда (тилшунослик, адабиётшунослик, психология каби) позитивистик йўналишдаги сийқа эволюционизмга жавоб сифатида пайдо бўлган. Структурализм математика, физика ва бошқа табиий фанларда ишлаб чиқилган структур тадқиқот методларидан фойдаланади (3, 34).

Маълумки, халқ қўшиқлари оғзаки яратилгани сабаб реал суратда мавжуд бўлмайди. Лекин уларни оғиздан қоғозга ҳарфлар воситасида тушириш имкони мавжудлиги боис реаллаштириш мумкин. Реаллаштирилган халқ қўшиқлари орқали эса улардаги ички ва ташки ўзгаришлар, бир образнинг ёки бир сўзнинг бошқасига алмаштирилгани ҳам кузатилиши мумкин. Бу холат эса, “структурасиз жисмлар оламда бўлиши мумкин эмас”лигини асослайди (3, 34–38).

Масалан:

*Атлас кўйлак киймайман,
Этаги лой бўлади.
Қиморбозга тегмайман,
Юрагим қон бўлади.*

Ёки:


*Шойи кўйлак киймайман
Этагини лой қилиб.
Дангасага тегмайман,
Юрагимни қон қилиб (1, 108)*

Бу қўшиқ варианatlарида атлас ва шойи, қиморбоз ва дангаса образлари бири бошқасига алмаштирилган эса-да, матнга хос асосий ғоя — юракнинг қон бўлиши ечим ва етакчи хулоса сифатида ўзгармаган.

Қ. Қаҳрамонов фикрича, “шакл” сўзи жуда кенг маънода кўлланиб, “структурা” сўзига салкам тенгдир (3, 34).

Халқ қўшиқлари тўртлик, учлик, иккилик сингари математик аниқлиқдаги шаклларда учраши ҳам уларни структурал таҳлил асосида ўрганиш заруриятини белгилайди.

Олимларнинг фикрича, микроолам, яъни квантфизиковий олам тузилишида учбурчак (A) етакчилик қиласи ва қолган барча шакллар учбурчак иштирокидаги шаклий композициялардан иборат. Бу учбурчакнинг макрооламда, ҳаёт ва тафаккурда, илмий ва бадиий ижодда етакчи аҳамиятини тайин этади (2, 371).



Учбурчак параллелограмм ромб

1-расм: Микроолам, яъни квантфизиковий олам тузилишида учбурчак иштирокидаги шакллар композицияси.

Шунга асослануб, уч мисрали халқ қўшиқлари-ю шундай кўринишда ҳосил қилинган қофияланиш тизимини мисол қилиш мумкин.

Масалан:

*Салом билан сўйлагин,
Олис йўлни кўзлагин,
— Куллук, келин!*

Ёки:

*Хуснига қаранг парчадай,
Юзи ширмон кулчадай,
Боғлаб қўйган бўғчадай,
Янгасига салом* (7, 130).

Халқ кўшиқларига хос геометрик структура (тўртлик, учлик каби) ҳамда у билан боғлиқ симметрия масаласи алоҳида эътиборни тортади.

Қ. Қаҳрамонов фикрича, “бадиий асар муайян структуравий мутаносиблиқдан ҳосил бўлган система экан, у ҳам ички тартиб-интизомга, шаклий структур белги-аломатларга эга бўлмаслиги мумкин эмас” (3, 34–38).

Олимлар таъкидлаганидек: “Структурализм таълимоти ўзагида “структурата” тушунчаси туради. Масалан “структурата” атамаси математикада қўлланганда, “у яширин ботиний нимадир ҳақида тасаввур беради ва бир пайтнинг ўзида схема, модель ҳақида фикр уйготади”. “Структура” атамаси адабиётшуносликда қўлланганда ҳам бу фикр ўз кучида қолади” (3, 34–38). Зоро, фольклоршунослик ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Аждодларимизнинг ақлу шуури ва руҳияти маҳсули бўлмиш халқ кўшиқлари ҳам бошқа оғзаки ва ёзма бадиий асарлар сингари ўзидағи кисм ва образларда қатъий структура мавжудлигини англатади.

Рус тадқиқотчиси В. Я. Пропп дастлаб 1928 йилда чоп этилган “Эртак морфологияси” китобида биринчилардан бўлиб, сехрли эртакларни ўрганишда структур таҳлил методини қўллади. Йирик фольклоршунос Е. М. Мелетинский ушбу китобга ёзган маҳсус сўнгсўзида ўтган асрнинг 20-йилларида бадиий шакл, жумладан, фольклордаги шакл муаммоларига қизиқиш жуда катта эди, “лекин фақат В. Я. Пропп эртак шаклини ўрганишни унинг структурасини очиш даражасига етказди”, — деб ёзади (5,151).

В. Я. Пропп ўз тадқиқотида эртакларни таснифлаб, улардаги ўхшашиб мотивларни аниқлар экан, ҳар бир мотивнинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб чиқиши натижасида эртак шаклига оид конуниятлар (доимий ҳолатлар)ни кашф этди (5,151).

Рус фольклоршуноси: “Тасниф — тадқиқотнинг биринчи ва энг муҳим босқичи” деб хисоблайди (5,151).

Олим кўрсатмаларига таяниб, халқ кўшиқларини структурал таҳлилга тортганда, унинг ички структурасини (иерархиясини ва ҳар бир даражажа элементлари ўтасидаги алоқадорликни) аниқлаш ҳамда тасвиrlашга, сўнгра объектнинг назарий моделини тузиб, тадқиқ қилинаётган материал асосида уни шарҳлашга томон ҳаракат қилиш муҳим.

Қ. Қаҳрамонов фикрича, “бадиий асарни структур жихатдан ўрганиш унга математик аниқ мантиқ кўзи билан боқиб, уни мантиқий конуниятлар чиририғидан ўтказиш демакдир... Шунда “олиб қочиш”, яъни асарга бевосита боғлиқ бўлмаган, унинг ботинидан чиқмайдиган мавҳум ёки кўтаринки мулоҳазаларга ўрин қолмайди. Структурал нигоҳ якка ҳодисага қаратилганда унинг ички ва кўйи қатламларига кириш, воеа ва образларнинг рамзлашув даражасини аниқлаш, аввал кўзга

ташланмаган маъно ўчоқларини кўргазмали тарзда очиш имконияти туғилади (3, 34–38).

Халқ қўшиқларининг структурал таҳлили жараёнида уларда кўп учрайдиган поэтик образ асосидаги поэтик мифнинг ички структураси ортиқ даражада эътиборни жалб қиласи ва ўша образ қатидаги маъно ва жихатларни кенгроқ ҳамда теранроқ очишни тақозо этади. Шунда мазкур “образ қаъридаги бадий куч — **образ энергетикаси** аниқ асосга эга бўлади” (3, 34–380).

Квантфизика асосчиларидан бири В.Гейзенберг ёзди: “Поэтик образлар, эҳтимол, психологлар архетиплар деб атайдиган тафаккурнинг гайришуурый шакллари билан боғлиқдир. Улар кучли эмоционал мазмун билан тўйинган бўлиб, оламнинг ички структурасини ўзига хос тарзда инъикос эттирадилар” (2, 371).

Халқ қўшикларидаги қатъий ички алоқа мисраларнинг устма-уст терилиши ва банд кўринишида намоён бўлиши, уларнинг алоқасини қофия ва радиф сингари поэтик такрорларнинг мустаҳкамлаши сингариларда ёркин кузатилади.

Олимлар эътироф этгани каби структур таҳлил усулини бадий адабиёт, бадий асарга кўллашда чуқур билим ва нозик илмий дидга эга бўлиш лозим. Бадий асар мисли жонли организм бўлиб, ундаги жонни модель ва схемалар орқали кўрсатиш осон эмас, буни Лейбниц бежиз санъат деб хисобламаган (3, 34–38).

Қ. Қаҳрамонов айтганидек: “Структур таҳлилнинг пировард мақсад-вазифаси бадий асарнинг жон жойини топиш ва уни далиллар орқали илмий аниқ ва таъсиран тарзда кўрсатиб беришдир... Зоро, бадий асар айни тирик вужуддир” (3, 34–38).

Қ. Қаҳрамонов бадий асарни структура нуқтаи назаридан текшираётганда икки турдаги структурани, яъни сиртқи структура ва ички структурани фарқлаш зарурлигини, бадий асар, у хоҳ кичик ҳикоя, шеър ёки достон, хоҳ йирик ҳажмли роман бўлсин, қандайдир сиртқи бўлнишиларга эга бўлишини эслатиб ўтади. Масалан, у шеърий бандларни сиртқи структура деб кўрсатса, воқеалар ривожини таъминловчи омилларни ички структура даҳлдор воситалар қаторида кўрсатади.

“Бадий асар структураси — сўз санъати бўлган асарнинг тузилиши, унинг ички ва ташки томондан ташкилланиши, уни ташкил этувчи элементларнинг алоқага кириш усуулариdir. Муайян структура мавжудлиги асарнинг яхлитлигини, унда ифодаланган бадий мазмунни гавдалантириш ва таъсиран етказиш қобилиятини таъмин этади”.

Агар шу тарзда фикр юритилса, халқ қўшиғидаги ҳар бир образ ҳам унинг бадий тузилмасида ўзига хос структур бирлик экани англашилади. Улар қўшиқ матнида етакчи мавқе тутиб, асосий воқеий, бадий-гояйи ва фалсафий юкни ўз зиммасига олади. Шундан келиб чиқиб, улар қўшиқнинг етакчи структур бирликлари хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ қўшиқлари оғзаки асарлар эса-да, ўз структурасига, яъни композицион тузилишига эга. Фақат унинг структураси тингловчининг ҳиссий ва эстетик, бадиият ҳақидаги интеллектуал билими орқали белгиланади. Шу орқали қўшиқнинг бош бадий ғояси равшанлашади ва унинг маъно уфқлари ҳам чуқур англашилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ қўшиклари ва термалари. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифлари: Ўраева Д., Ражабов Д. — Т.: Муҳаррир, 2010. — 108 б.
2. Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое. — М., 1989. — 371 б.
3. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқидда структурал метод талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти, — 2009. — №5. — Б.34–38.
4. Мелиев С. Структурализм ва структур таҳлил ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти, — 2008. — № 2. — Б.12–20.
5. Пропп В.Я. Морфология сказки. — Л.: Academia, 1928. — С.151.
6. Расулов А. Структура ва структурализм /Мелиев С. Структурализм ва структур таҳлил ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти, — 2008. — № 2. — Б.12–20.
7. Тўй муборак ёр-ёр. Тўплаб нашрга тайёрловчи О.Сафаров. — Бухоро: Тафаккур қаноти, 2019. — 116 б.

References

1. *Bukhor elda gul saili. Bukhoro khalk kushiklari va termalari* (Steam is a Flower in the Hand. Bukhara folk Songs and Ensembles), Tashkent.: Muхarrir, 2010, 108 p.
2. Geizenberg V. *Fizika i filosofiya* (Physics and Philosophy. Part and whole), Moscow, 1989, 371 p.
3. Kahramonov K. *Uzbek tili va adabieti*, 2009, No. 5. pp. 34–38.
4. Meliev S. *Uzbek tili va adabieti* 2008, No. 2, pp. 12–20.
5. Propp V.Ya. *Morfologiya skazki* (Morphology of a Fairy Tale), Leningrad: Academia, 1928, 151 p.
6. Rasulov A. *Uzbek tili va adabieti* 2008, No. 2, pp. 12–20.
7. *Tui muborak er-er* (Happy Wedding Yor-Yor), Bukhoro: Tafakkur kanoti, 2019, 116 p.